

Яхшилар кимлардир?

12:26 / 15.03.2017 7464

Ўзгаларга яхшилик қилиш мўминнинг энг афзал хислатидир, Аллоҳ розилигини топишининг осон йўлидир. Яхшилик Аллоҳнинг бандага раҳматидир. Яхшилик қилганларни Аллоҳ таолонинг ўзи мукофотлайди. Унинг ваъдасига кўра яхшилик қилувчи мўминлар жаннат неъматларидадирлар. Қуръони каримда Аллоҳ таолонинг яхшиларга берадиган мукофотлари башоратини бундай зикр этилади: “Шак-шубҳасиз, яхшилар жаннат неъматларидадирлар” (Инфитор, 13); “Дарҳақиқат, яхшиларнинг номаи аъмоллари шак-шубҳасиз Иллийундадир” (Мутаффифин, 18);

Аллоҳ таоло айтади: «Тақволи зотларга: «Раббингиз (Ўз Пайғамбарига) нимани нозил қилди?» дейилганида улар: «Яхшиликни», дейишади. Бу дунёда яхшилик қилганлар учун чиройли мукофот бўлур» (Наҳл, 30). Аллоҳ таоло яхшиликни бундай баён этади: “(Яхшилик) бўйинни (қулликдан) озод этиш, ёки очарчилик кунида бирор қардош етимга ё муҳтож бечора-мискинга таом беришдир” (Балад, 13-16).

Кимлар “яхши” деб аталишга муносиб? Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисларда яхшиларнинг бир неча сифатлари баён этилган:

Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, уни (бошқаларга) ўргатувчиларингиздир” (Имом Бухорий);

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Мен Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Сизларнинг яхшиларингиз, агар тушунса, ахлоқи гўзал бўлганингиздир”, деганларини эшитганман” (Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган);

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Сизларнинг яхшиларингиз аҳли-оиласига яхшилик қилувчиларингиздир ва мен сизларнинг ичингизда аҳлига кўпроқ яхшилик қилувчингиздирман” (Имом Термизий, Ибн Можа);

Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисларда яхшилар яна бундай сифатланишади: “Сизларнинг яхшиларингиз умри узун, амалда чиройли бўлганингиздир” (Имом Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий); “Сизларнинг яхшиларингиз яхшилигидан умид қилинувчи ва ёмонлигидан омон бўлинувчиларингиздир” (Имом Термизий ва Ибн Ҳиббон).

Яхшилиқнинг катта-кичиги, ози-кўпи бўлмайди. Одамларга озор етказмаслик ҳам – яхшилиқ, етим-мискинларни тўйдириш ҳам – яхшилиқ, бировга чиройли муомала қилиш ҳам – яхшилиқ, йўлдаги халал берувчи нарсани олиб ташлаш ҳам – яхшилиқ. Қуръони каримда яхшиларнинг бир неча сифатлари зикри келган: “Ана энди ким (ўз молидан закот ва садақотларни) ато этса ва (Аллоҳдан) қўрқса ҳамда гўзал оқибатни (жаннатни) тасдиқ этса, Биз уни осон йўлга муяссар этурмиз” (Вал-лайл, 5-7). “Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар – ана ўшалар яралмиш жонзотларнинг энг яхшисидирлар. Уларнинг Парвардигорлари ҳузуридаги мукофоти – остидан анҳорлар оқиб турувчи мангу жаннатлардир, улар ўша ерда абадий қолишади” (Баййина, 7-8).

Абу Зарр Ғифорийдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам менга: «Яхшилиқлардан бирортасини паст санамагин, агар у биродарингга очик юз билан қараш бўлса ҳам», деганлар (Имом Муслим). Фаҳри коинот яна бундай марҳамат қилганлар: «Эй муслималар, бир аёл бошқасига қўйнинг туёғини беришдаги яхшилиқни ҳам паст санамасин», деганлар (Имом Бухорий ва Муслим). Яна бир ҳадиси шарифда «Ҳар бир яхшилиқ садақадир», дейилган (Имом Бухорий).

Донишмандлардан бири айтади: «Яхшилиқ мол ва фарзандларнинг кўплигида эмас, яхшилиқ кенг феълли, ахлоқли бўлиш, илм олиш ва Аллоҳга ибодатда бошқаларга ўрнатилган бўлишдир». Муҳаммад Зеҳний айтади: «Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшилиқка йўл очгани ва ёмонликни, очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир».

Яхшилиқ ва ҳилм дараҳтини эккан омонлик ва хотиржамлик мевасини териб олади. Ёвузлик уруғини сепган пушаймонлик-надомат ҳосилини йиғиб олади. Ҳақиқий комил инсон ёмон хислатлардан, номаъқул ва номарғуб хулқ-атвордан пок бўлади, гўзал сифат ва ахлоқ билан ўзини ораста қилади, ёмонлардан четланади ва ҳеч кимга озор етказмайди. Ким қилган яхшилиги ёки амали билан мақтанса, унинг барча яхшилиқлари ёмонликка айланади.

Ҳусайн Воиз Кошифий айтадики, «Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўнтадир ва буларнинг биринчиси бошқаларга яхшилик қилишдир». Яхшилик қилиш билан ҳеч нарса ютқазмайсиз. Саъдий Шерозий айтганидай, «Бир шам бошқа бир шамни ёққани билан нуридан ҳеч нарса камаймайди». Абдуллоҳ ибн Аббос бундай деганлар: «Яхшилик ҳақида ўйлаш ўша яхшиликни қилишга ундайди, ёмонликка надомат эса ўша ёмонликни тарк этишга чақиради».

Ислом дини ҳам, ахлоқимиз ҳам инсонларни фақат яхшилик қилишга, ёмонликлардан четда бўлишга буюради. Яхшилик энг аввало ота-онага, яқинларга, қўни-қўшниларга кўрсатилади. Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Биров моли билан (бу саховатдир), биров қўли билан, яна бошқаси чиройли сўзи билан яхшилик қилади. Ҳатто бошқалар йўлидаги халақит бераётган шохчани олиб ташлаш ҳам яхшиликка киради.

Яхшилик қилишга шошилиш керак, чунки Пайғамбар алайҳиссаломнинг: "Кимга яхшилик қилиш эшиги очилса, фойдаланиб қолсин, зеро, унинг қачон ёпилишини билмайди"; "Ҳар бир яхшилик садақадир, дўстингга очиқ юз билан муомала қилишинг яхшиликдир, унинг челагига ўз челагингдан сув қуйиб беришинг ҳам яхшиликдандир», " деган насиҳатлари бор.

Яхшиликка чақирган киши ҳам уни қилганга тенглаштирилади. "Ўзгаларга озор беришдан сақланиш яхшилик аломатларидандир", дейишган улуғларимиз. Муҳаммад Зеҳний: "Одамларнинг энг яхшиси қалбида яхшиликка йўл очган, ёмонлик ва очкўзликни қалбидан ҳайдаб чиқарган кишидир", деган. Нақлларда келишича, ким бировнинг ғамини енгиллатса, охиратда унинг ғами енгиллаштирилади, қийинчиликда қолган бир кишига ёрдам қўлини чўзган киши ёрдамсиз қолмайди, ким бировнинг айбини беркитса, унинг айби ҳам беркитилади.

Кўпларимиз яхшилик қиламизу дарров унинг мукофотини, биздан марҳамат кўрганларнинг миннатдорчиликларини кутамиз ёки яхшиликларимиз билан мақтанамиз. Аллома Умар ибн Ҳорис бундай деган: "Қадимда яхшиликларни кўп қилишарди, аммо гапиришмасди. Кейин ҳам қиладиган, ҳам гапирадиганлар келишди, энди эса фақат гапиришяпти". Қандайдир манфаат кутиб қилинган яхшилик фазилат саналмайди.

Ваҳоланки, яхшилик холис Парвардигор учун, беғараз қилиниши керак. Бунини тушунмаганлар яхшилик қилган кишиларидан ёмонлик кўришганига хафа бўлиб юришади. Эмишки, бир одам шогирдини ўғлидан ҳам аъло кўриб, бор ҳунарини ўргатиб одамлар қаторига қўшганида у устози юзига

оёқ қўйиб кетибди. Ёки бошқасининг ҳасратига қулоқ солинг: «Жияним акамдан эрта етим қолди. Ўзим боқиб катта қилдим, ўқитдим, ҳунар ўргатдим, уйлаб-жойладим. Хотинчасининг сўзига кириб алоҳида яшайман, деганида рози бўлиб, бошқа ҳовлига чиқардим. Энди ҳамма ерда «дадамдан қолган пулни бермай ўзлаштириб юборди» деб гап тарқатиб юрганмиш. Инсон зоти ўзи яхшилиқни билмайдиган ношукр бўлар экан».

«Савобнинг кети мушкулот» деган гап бекорга чиқмаган. Ҳақиқатан бировга яхшилиқ қиласиз, аммо ундан жавоб қайтмайди, аксинча кўп ҳолларда яхшилигингиз эвазига ҳатто ёмонлик кўрасиз. Бировга раҳм қилиб қарз берасиз, ололмай қийналасиз, ҳатто унга душманга айланасиз. Бировга ёрдам қилиш учун битмаётган ишига елка қўйиб юборасиз, эвазига қуртдаккина «миннатдорчилик» сўзи эшитасиз. Биров билан дўстлашмоқчи бўласиз, аммо у «бир балоси бўлмаса менга нега суйкалади», деб сизни душманига айлантиради. Қийналиб қолган укангизга пул таклиф қилсангиз, орқаваротдан «бойваччалигини бошқаларга қилсин» деган нордонгина гап эшитасиз. Бунга асло ажабланманг, чунки Аллоҳ таоло инсонларни шундай хулқ-атвор билан яратган. Шунинг учун ҳаётда кимга бўлишидан қатъи назар, одамларга яхшилиқ қилсангиз, мукофотини инсонлардан эмас, Яратганнинг ўзидан кутинг. Одамлар камдан-кам яхшилигингизга яхшилиқ билан жавоб қайтаришади, миннатдор бўлишади.

Атоқли олим Ҳасан Басрийдан "Яхши инсон ким?" деб сўрашганида бундай жавоб берган: "Тўрт нарса кишининг яхши эканига даолат қилади: тилининг ростгўйлиги, дўстларининг хато-камчиликларини кечириши, замона аҳлининг таниқли кишисига саҳоват кўрсатиши, таниш ва қўшниларга озор беришдан тийилиши". Келинлар, ҳар ерда, ҳар кишига, ҳамиша яхшилиқ қилишга шошилайлик. Яхшилиқ ва эзгулик ёмонликни ёқтирмагани каби ёмонлик ҳам яхшилиқдан қочади.

Абдуллоҳ НОДИРОВ